*электр таъминоти шартномасига 7-илова*

**Аварийвий ва технологик бронни аниқлаш бўйича ДАЛОЛАТНОМА**

Истеъмолчининг ________________________________ иштирокида тузилди.

Ягона электр энергетикаси тизимида узоқ муддатли ёки қисқа муддатли қувват танқислиги юзага келганда Истеъмолчи қуйидагиларни бажариши керак:

1. Ускуна юкламасини технологик брон даражасигача пасайтириш:

| Т/р № | Технологик бронига таааллуқли цехлар ва агрегатлар номи* | Ишда қолдирилган юкламалар қуввати (кВт) | Изох |
|---|---|---|---|
| 1. | | | |
| 2. | | | |
| 3. | | | |
| 4. | | | |

Жами: ________ кВт

*а) Барча цехлар ва агрегатлар зудлик билан ўчирилади. Ўчирилиши яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқарилиши, ускунанинг бузилиши, портлаш, ёнғин, заҳарланиш ва бошқа бахтсиз ҳодисаларга олиб келувчи цехлар ва агрегатлар бундан мустасно.*

*б) Технологик бронга шунингдек авария бронига таааллуқли цехлар ва агрегатлар ҳам киради (2-бандга қаранг.)*

Технологик бронни чеклаш босқичлари:

I босқич ________ кВт

IIбосқич ________ кВт

III босқич ________ кВт

IV босқич ________ кВт

2. ________ ўтганидан кейин цехлар ва агрегатлар авария брони даражасигача узиб қуйилади.

| Т/р № | Авария бронига таааллуқли цехлар ва агрегатлар номи* | Ишда қолдирилган юкламалар қуввати (кВт) | Изох |
|---|---|---|---|
| 1. | | | |
| 2. | | | |
| 3. | | | |
| 4. | | | |

Жами: ________ кВт

*а) Ўчирилиши сув таъминоти, алоқа воситалари ишининг тўхташига, иситиш тизимининг музлаб қолишига олиб келувчи цехлар ва агрегатлар, ҳамда қўриқлаш ёритгичлари (ёритиш) остида қолдирилади.*

*б) Ёнғинга қарши заҳира насослар ва бошқа ёнғинга қарши агрегатлар авария бронига киради (........................), заруратга қараб, олдиндан Корхона билан келишилган ҳолда (........................).*

Имзолар:

Истеъмолчи: ________ (Имзо)

Корхона: ________ (Имзо)

М.Ў.

з. Тура худжаева



**Юридик ва юридик мақомга эга бўлмаган тадбиркор истеъмолчилар учун ШАРТНОМА**

20 22 йил "10" январ 1560 0385 сон Наманган
(шартнома тузилган манзил)

Наманган Ҳудудий Электр Тармоқлари Корхонаси акциядорлик жамияти электр таъминоти корхонасида "Бош ишонч хужжат" асосида фаолият юритувчи раҳбари Ж Хамидов (кейинги ўринларда "Корхона" деб аталади)
(электр таъминоти корхонаси раҳбарининг Ф.И.О.)

бир томондан ҳамда низоми асосида фаолият юритувчи Мухаммадшариф Судхизода раҳбари З. Турахуджаева
("Истеъмолчи" нинг номи) ("Истеъмолчи" раҳбарининг Ф.И.Ш.)

(кейинги ўринларда "Истеъмолчи" дебаталади), ҳисоб рақами – 1 5 6 0 0 3 8 5 иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида тузидилар:

## I. Шартнома предмети

Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда – Шартнома деб аталади) мувофиқ, Корхона Истеъмолчига электр энергиясини (кейинги ўринларда – энергия деб аталади) уланган тармоқ орқали етказиб бериш ва Истеъмолчи истеъмол қилинган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

## II. Етказиб берилган энергияни ҳисобга олиш

2.1. Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми:
Актив 5993 кВт.с. реактив ________ кВар.с

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг Шартнома тузилган кунидаги умумий нархи 1793550 сўмни, тариф(лар) бўйича ________________

*тариф тури: табақалаштирилган, бир ставкали ёки 08.11.2017 йилдан ПҚ-3379 нинг руйхатида курсатилган махсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун (кераклиси ёзилсин)*
ташкил этади.

2.3. Истеъмолчига етказиб бериладиган энергиянинг ойлар кесимидаги йиллик хажми ушбу Шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. Истеъмолчи томонидан олинган энергиянинг ҳақ тўланадиган ҳақиқий миқдори ушбу Шартномага 2-иловада назарда тутилган хисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади.

2.5. Истеъмолчиларнинг (маиший истеъмолчилардан ташқари). Электр энергиясини хисобга олиш приборлари, шунингдек электр энергиясини хисобга олишнинг бошқа воситалари истеъмолчининг маблағлари хисобига сотиб олинади, давлат қиёсловидан ўтказилади, Корхона томонидан Бюро билан хамкорликда бепул ўрнатилади, пломбаланади ва рўйхатдан ўтказилади.

## III. Ҳисоб-китоб қилиш тартиби

3.1.Энергия учун ҳисоб-китоблар табақалаштирилган, бир ставкали ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 ноябрдаги "Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3379-сонли қарорининг иловасига асосан тасдиқланган рўйхатда кўрсатилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун амалга оширилади.

3.2. Уланган қуввати 750 кВА ва ундан ортиқ бўлган Истеъмолчи (бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек Давлат бюджетидан молиялаштириладиган насос станциялари бундан мустасно) Энергия учун ҳисоб-китобларни сутка вақтларининг табақалаштирилган тариф бўйича амалга оширади.

Истеъмол қилинган энергия учун табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоблар:

ярим тиғиз пайт – сутканинг ёруғ вақтида (соат 9:00 дан 17:00 гача) – белгиланган тариф бўйича,